

# **Лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун**

**№ 13643 - сонли шартнома**

Бухоро шаҳри

05 апрель 2022 йил

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «BAGDAN SYOMKA SERVIS» МСНД кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар Б.Рахматов иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича шартнома туздилар:

## **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 1 апрелдаги № 60030-сонли йиғилиш баённомасига кўра **«Пешку туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»** объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини амалдаги тартиб-коидалар ва меъёлларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## **2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

### **2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

### **2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиши;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

## **3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан З нусхада лойиҳа-смета хужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### 4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан – **108 058 000** (Бир юз саккиз миллион эллик саккиз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум қиласиз.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Куйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокоралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмат инжиниеринг компанияси»

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5  
тел. 223-63-23, 223-63-26

X/r: 100021860064017016801018082


ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100

Бухарское областное Управление Казначейства  
X/r: 23402000300100001010


Марказий банк Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919




Компания раҳбари

  
(мухр, имзо)

Ф.Б.Жаллиев

Хукукшунос:   
Лицензия ЮК № 006116

Д.Соивов

Ш.Б.   
Р. Хайитов

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«BAGDAN SYOMKA SERVIS» MCHJ

Манзил: Бухоро туман, Галаосиё посёлкаси  
Буюк Ипак йўли кўчаси 54-уй

Тел. 99-891-410-81-18

Х/с 2020 8000 8049 5249 0001


Банк номи: Асака банк Бухоро филиали  
МФО 00120 ИНН 302 181 565  
ОКОНХ

Директор

  
(мухр, имзо)

Б.Рахматов

Хукукшунос:



2022 йил 5 апрелдаги  
№ 13643 - сонли шартномага 1-илова

Бажариладиган ишларнинг календар  
РЕЖАСИ

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаси
<b>«Пешку туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йўлаги»</b> обьекти бўйича лойиха-смета хужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишини ўз зиммасига олади..	05.04.2022 й.	13.04.2022 й.

«БУЮРТМАЧИ»

Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниринг компанияси

Ф.Жалиев



«ИШ БАЖАРУВЧИ»



Б.Рахматов

2022 йил 5 апрелдаги  
№ 13643 - сонли шартномага 2-илова

Шартнома баҳосининг келишув  
**БАЁННОМАСИ**

Биз қўйида имзо қўювчилар: **«Пешку туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»** объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 5 апрелдаги № 13643 - сонли шартнома баҳосини кўшимча қиймат солиги билан - **108 058 000** (Бир юз саккиз миллион эллик саккиз минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

**«БУЮРТМАЧИ»**


Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниеринг компанияси



Ф.Жаллиев

**«ИШ БАЖАРУВЧИ»**

«BAGDAN SYOMKA SERVIS» MCHJ



Б.Рахматов

2022 йил 5 апрелдаги  
№ 13643 - сонли шартномага З-илова

## ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиҳа ишларининг номи: **«Пешку туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»** объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш ишлари.

Буюртмачи: Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

Бажарувчи: «BAGDAN SYOMKA SERVIS» MCHJ

Объектнинг номи	Ҳисоблаш	Нархнинг умумий ҳисоби
<b>«Пешку туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»</b> объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишини ўз зиммасига олади.	Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиҳа- тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан объектнинг мураккаблик 2 тоифасига киради. Қурилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртacha 3,65 % ни ташкил этади.  Ҳисоблаш учун 2,71 % кабул киламиш.	3 459 217 391 x 2,71 % = 93 963 478
<b>3 459 217 391</b> сўм ҚҚСсиз		93 963 478
<b>ҚҚС 15 %</b>		14 094 522
<b>Жами:</b>		108 058 000

Нархи сўз билан: 108 058 000 (Бир юз саккиз миллион эллик саккиз минг) сўм ҚҚС билан.

«BAGDAN SYOMKA SERVIS» MCHJ  
директори:

Б.Рахматов

